

**Е-POS- терминалдан фойдаланиш тўғрисидаги  
\_\_\_\_\_ - сонли шартнома**

\_\_\_\_\_ ш. “\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

“Ориент Финанс” ХАТБ номидан [Банк вакилининг лавозими, Ф.И.Ш.], кейинчалик “Банк” деб аталувчи, 202\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли ишончнома асосида фаолият юритаётган, бир томондан, ва [Мижознинг номи] номидан [Мижоз вакилининг лавозими, Ф.И.Ш.], [Хужжат тури, рақами, санаси] асосида фаолият кўрсатувчи, кейинги ўринларда “Мижоз”/ “Корхона” деб аталувчи, иккинчи томондан, Е-POS-терминалдан фойдаланиш тўғрисидаги Шартномани (кейинги ўринларда Шартнома деб аталади) қуйидагилар тўғрисида тuzдилар:

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

- 1.1. Ушбу Шартнома Банк томонидан мижознинг ҳисобварағи бўйича операцияларни электрон тўлов ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда Е-POS тизими ёрдамида амалга ошириш бўйича мижозга хизматлар кўрсатиш мақсадида Банк ва Мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади. Томонлар операцияларни амалга оширишда амалдаги қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига ва ушбу Шартномага амал қиладилар.
- 1.2. Томонлар электрон тўлов ҳужжатларининг юридик кучини қоғоз шаклидаги ҳужжатларнинг юридик кучига тенг эканлигини эътироф этадилар.
- 1.3. Е-POS реал вақт режимида аҳолидан тўловларни қабул қилиш ва қайта ишлашни тўлиқ автоматлаштириш ҳамда банк тизими билан интеграцияни таъминлайди. Бу тизим техник воситалар, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда мижоз учун банк карталари орқали тўловларни қабул қилиш имкониятини яратади.
- 1.4. Мазкур Шартнома бўйича БАНК қуйидаги хизматларни тақдим этади:
  - 1.4.1. Мижозни тўлов тизимига улаш.
  - 1.4.2. Фойдаланувчилардан келиб тушган пул маблағларини ҳисобга ўз вақтида (3 иш кунидан ошмайдиган муддатда) киритиш.
  - 1.4.3. Фойдаланувчи(лар)нинг ҳисобварағидан Мижознинг ҳисобварағига маблағларни ўтказиш тўғрисидаги фармойишларнинг БАНК томонидан бажарилганлиги ҳақида ишончли маълумот тақдим этиш.
- 1.5. Тўлов Фойдаланувчи номидан ва унинг топшириғи бўйича Мижоз фойдасига амалга оширилади. Бу жараён тўлов тизими томонидан электрон тўлов ҳужжати шакллантирилиши орқали бажарилади. Ушбу ҳужжат асосида БАНК Фойдаланувчининг ҳисобварағидан маблағларни ечиб олади.
- 1.6. Мижознинг хизматлари/товарлари/ишлари учун тўлов амалга оширилганда, БАНК томонидан маблағлар муваффақиятли ечиб олингандан сўнг, тўлов тизими мижозга ахборот юборади. Мижоз эса ўз навбатида Фойдаланувчи томонидан хизматлар/товарлар/ишлар учун тўловни қабул қилади ва тегишли равишда Фойдаланувчига хизмат кўрсатади, товарни етказиб беради ёки ишни бажаради.
- 1.7. Тўлов амалга оширилгандан сўнг Фойдаланувчи муваффақиятли амалга оширилган Тўлов ҳақида маълумот олади.

- 1.8. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар Томонларда мазкур Шартнома имзолангандан сўнг юзага келади.

## 2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 2.1. Банк E-POS тизимини тақдим этади ва маълумотларни узатиш тармоғи орқали электрон усулда мижоз фойдасига пластик карталар воситасида тўловларни қабул қилиш мажбуриятини олади. Ўз навбатида, мижоз E-POS тизимини қабул қилади ва Банк хизматларига ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.
- 2.2. Банк Uzcard ёки HUMO тизимидаги банк карталаридан тўловларни (онлайн операциялар) қабул қилади.
- 2.3. Ушбу Шартномага кўра, Мижоз топшириқ беради ва тўловни амалга оширади, БАНК эса ўзининг тўлов тизими ва инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда, Мижоз фойдасига Фойдаланувчилардан хизмат кўрсатиш, товарларни сотиш ва ишларни бажариш учун тўловларни қабул қилиш ҳамда тегишли пул маблағларини Мижознинг ҳисоб рақамига ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 3. ТАЪРИФЛАР

- 3.1. **Шартнома** – ушбу шартнома, унинг барча илова ва қўшимчалари, шунингдек, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ бўлган барча бошқа ёзишмалар, жумладан, аммо булар билан чекланмаган ҳолда, ёзма кўрсатмалар, тартиб-қоидалар ва хабарномалардир.
- 3.2. **Банк картаси / Карта** – амалдаги қонунчилик ва банк ҳисобварағи шартномаси асосида Банк ёки бошқа муассаса томонидан чиқарилган, карта эгасига нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконини берувчи тўлов воситаси. Карта маҳаллий ёки халқаро, шу жумладан корпоратив карталар бўлиши мумкин.
- 3.3. **Карта эгаси** – банк хизмати кўрсатиш шартномасида кўрсатилган, ушбу карта билан хизмат кўрсатиладиган ҳисобварақдаги пул маблағларини тасарруф этиш ва Шартнома шартларига мувофиқ ушбу картадан фойдаланиб тўловларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган шахс.
- 3.4. **Банк картаси ҳисобварағи** – банкда очилган ва мазкур карта билан боғланган ҳисоб-китоб рақами ҳисобланади.
- 3.5. **E-POS** – жисмоний банк картасидан фойдаланмасдан нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконини берувчи виртуал тўлов терминалидир.
- 3.6. **Транзакция** – эгасининг банк картаси ёрдамида E-POS терминали орқали амалга оширилган ҳар қандай операция.
- 3.7. **Қайтариш** – товар қайтарилиши, хизматдан воз кечиш ёки бошқа сабабларга кўра карта эгасининг картасига пул маблағларини қайтаришга йўналтирилган банк операцияси. Қайтариш банк-экваер томонидан қайтариш ҳолати тасдиқлангандан ва тизимда тегишли ёзув акс эттирилганидан сўнг амалга оширилади.
- 3.8. **Ваучер** - сотиб олинган товар ёки хизматдан воз кечилганда харидорга пул маблағлари қайтарилганлигини тасдиқловчи қайтариш чеки ёки ҳужжат.
- 3.9. **Тариф** – Мижоз томонидан E-POS хизматидан фойдаланиш учун Банкка тўланадиган тўловлар йиғиндиси бўлиб, Транзакциялар учун тўлов, техник хизмат кўрсатиш тўлови ва бошқа тўловларни ўз ичига олади.
- 3.10. **E-POS ҳисоботи** – муайян вақт оралиғида E-POS терминали орқали

амалга оширилган барча Транзакциялар ҳақидаги маълумотларнинг тизимлаштирилган тасвиридир.

- 3.11. UZCARD ва HUMO процессинг тизими (МТТ)** - “Ягона умумреспублика процессинг маркази” АЖ (ЯУПМ) (UZCARD) ёки “Миллий банклараро процессинг маркази” АЖ (МБПМ) (HUMO) микропроцессорли карталардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими иштирокчилари ўртасида ахборот алмашинувини таъминлайди, иштирокчи-банклар билан шартномавий муносабатга эга бўлган ва транзакцияларнинг ахборот клирингини таъминлайди.
- 3.12. Тўлов тизими** – бу тўлов кўрсатмаларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва узатишни, шунингдек реал вақт режимида тўловлар ҳолати ҳақидаги маълумотни тақдим этишни таъминловчи мураккаб ахборот тизимидир. Тизим бозор иштирокчилари ўртасида электрон ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини берувчи дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланишга асосланган.

#### **4. ЎЗARO ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

- 4.1.** Мижоз ушбу Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун Банкка амалдаги тариф асосида воситачилик ҳақини тўлайди. Тўлов ҳисоб-китоб оyi яқунлангандан сўнг, Банк томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактурани Мижознинг ваколатли вакили имзолаганидан кейин 5 (беш) иш куни ичида амалга оширилади.
- 4.2.** Ушбу Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валютада амалга оширилади. Ушбу Шартнома бўйича тўлов миқдорини ўзгартириш Томонларнинг ўзаро розилиги асосида қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади.
- 4.3.** Банк ҳар бир ҳисобот оyi яқунланганидан сўнг 5 (беш) банк иш куни ичида Мижозга кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-фактура тақдим этади. Мижоз ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномасини олгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида уларни кўриб чиқиши ҳамда эътирозлар бўлмаган тақдирда имзолаши шарт.
- 4.4.** Ҳисобварақ-фактура олинган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида тўлов амалга оширилмаган ёки белгиланган муддат давомида тўловдан асосли равишда воз кечилмаган тақдирда, Банк Фуқаролик кодексининг 783-моддасига асосан Мижознинг ҳисобварағидан қарздорлик миқдоридан пул маблағларини ечиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.
- 4.5.** Агар Мижозда Бажарилган ишлар далолатномаси юзасидан келишмовчиликлар мавжуд бўлса, у Банкка асосли ёзма эътирозни далолатномани олган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юбориши шарт.
- 4.6.** Банк олинган эътирозларни 3 (уч) банк куни ичида кўриб чиқиб, Мижозга асосланган жавоб юборади. Келишмовчиликларга рози бўлган ҳолда, Банк тузатилган Бажарилган ишлар далолатномасини тайёрлаб, уни Мижозга жўнатади.
- 4.7.** Банк мижоз томонидан тақдим этилган келишмовчиликларга рози бўлмаган тақдирда, Томонлар ўз вакилларида иборат қўшма ишчи гуруҳ тузадилар. Ушбу гуруҳ 5 банк куни ичида ҳар икки Томонда мавжуд бўлган бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб чиқиши ва таққослаши лозим.
- 4.8.** Бажарилган ишлар далолатномаси ва Ҳисоб-фактура юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Банк Мижоздан белгиланган тартибда имзоланган Далолатнома нусхасини ёки уни имзолашдан асосли ёзма

рад этиш хатини (келишмовчиликларни келтириб чиқарадиган аниқ бандларни кўрсатган ҳолда) олмаса, хизматлар Мижоз томонидан тўлиқ ҳажмда ва тегишли сифатда қабул қилинган деб ҳисобланади.

- 4.9.** Тизимдаги техник масалалар ёки носозликларни бартараф этиш учун Мижоз ёки Фойдаланувчи Банкнинг ёхуд тўлов тизимларининг техник ёрдам хизматига мурожаат қилиши мумкин.

## **5. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **5.1. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- 5.1.1.** Агар Мижоз Банкдан ҳисоб-фактура олгандан сўнг, огоҳлантирмасдан ёки узрли сабабларсиз, ушбу Шартнома бўйича кўрсатилган хизмат учун Банкка тўланадиган ҳақни тўлаш муддатини бир неча марта бузса, шунингдек, 2 (икки) ой давомида Мижоз E-POS орқали тўловларни қабул қилмаса, Банк Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.
- 5.1.2.** Томонлар ўртасида қўшимча келишув имзолангандан сўнг, ўзаро розилик асосида мукофот миқдорини ўзгартириш.
- 5.1.3.** ҳар қандай Транзакцияни тўламаслик ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ барча харажатларни Мижоз зиммасига юклаш, агар Транзакция E-POSдан фойдаланиш қоидаларини бузган ҳолда қайта ишлашга юборилган бўлса, хусусан:
- 5.1.3.1. Товарлар ва хизматлар учун тўлов суммаси битта карта эгасидан бир мартадан ортиқ маблағ ечиб олинган ҳолатда.
- 5.1.3.2. мижоз ўзи томонидан тўловни нотўғри бекор қилган ҳолатда.
- 5.1.3.3. Банк картасининг нотўғри рақами билан сўров юбориш ёки ҳисобдан чиқариш учун умуман сўров юбормаслик.
- 5.1.3.4. Агар техник хато ёки мижознинг айби туфайли (масалан, тўлов тугмасини икки марта босиш оқибатида) мижоз картасидан товарлар ва хизматлар учун тўлов суммаси бир мартадан ортиқ ечиб олинган бўлса.
- 5.1.3.5. Мижоз томонидан унинг ташаббуси билан банк картасининг нотўғри рақами кўрсатилган ёки тўлов картасини идентификация қилиш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда.
- 5.1.3.6. фирибгарлик белгилари ёки фирибгарликка уриниш ҳолатлари аниқланган тақдирда.
- 5.1.3.7. Тўловчи ёки тўлов олувчини аниқлаш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки нотўғри кўрсатилган ҳолларда.
- 5.1.3.8. Транзакцияларни ўтказишнинг белгиланган тартиби бузилганда (масалан, лимитлардан ошиб кетиш, амал қилмайдиган тўлов карталари билан Транзакциялар ўтказиш).
- 5.1.3.9. Шартномада ёки амалдаги қонунчиликда кўрсатилган E-POSдан фойдаланиш қоидаларининг бошқа бузилишлари мавжуд бўлганда.
- 5.1.4.** Қуйидаги ҳолларда корхонанинг тўлов тизимининг тегишли модулларига киришини чеклаш ёки вақтинча тўхтатиш:
- 5.1.4.1. Корхона томонидан ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаслиги.
- 5.1.4.2. Банк техник хизмати ва/ёки тўлов тизими мутахассислари билан биргаликда олиб бориладиган профилактика ишлари тўғрисида Банк корхонани камида 5 (беш) банк кунидан олдин хабардор қилиши лозим.
- 5.1.4.3. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ёки мазкур Шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда.
- 5.1.5.** ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни қуйидаги ҳолатларда тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга:

- 5.1.5.1. Корхона томонидан ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, жумладан, лекин булар билан чекланмаган ҳолда, хизматлар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаслиги, нотўғри маълумотлар тақдим этиши, хавфсизлик қоидаларини бузиши.
- 5.1.5.2. Банк ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган техник носозликлар ёки бошқа ҳолатлар юзага келганда, агар Банк уларни бартараф этиш учун барча оқилона чораларни кўрган бўлса.
- 5.1.5.3. Томонлар ўртасида молиявий ҳисоб-китоблар билан боғлиқ низоли вазиятлар юзага келган тақдирда, агар Корхона 10 (ўн) банк иш куни мобайнида уларни ҳал этиш чораларини кўрмаган бўлса. Банк ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб қўйиши ҳақида Корхонани камида 10 (ўн) банк иш кунидан олдин хабардор этиши шарт.
- 5.2. Банкнинг мажбуриятлари:**
- 5.2.1.** Мижознинг виртуал терминал очиш тўғрисидаги аризаси асосида, мижоз анкети тўлдирилгандан сўнг ҳамда мижоз ҳақидаги маълумотлар тақдим этилгандан кейин, 10 (ўн) банк иш куни ичида транзит ҳисобварақ очиш масаласини кўриб чиқиш ва қабул қилиш-топшириш далолатномаси орқали Мижозга Карта эгаларига хизмат кўрсатиш учун E-POS рўйхатдан ўтказиш рақамини тақдим этиш.  
Мижоздан тўлиқ тўлдирилган анкета ва Банк техник талабларига мувофиқлик тасдиғини олган кундан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни ичида транзит ҳисоб рақамини очиб, Мижозга E-POS рўйхатдан ўтказиш рақамини тақдим этиш.
- 5.2.2.** Техник носозликлар юзага келган ҳолатлар бундан мустасно бўлиб, барча қайта ишланган Транзакциялар суммасини Банкнинг вакиллик ҳисобварағига маблағлар келиб тушган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида Мижознинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериш.
- 5.2.3.** Мижознинг ёзма аризасига кўра, мижоз томонидан банк карталари орқали амалга оширилган барча Транзакциялар бўйича ҳисоботларни тақдим этиш.
- 5.2.4.** Тўлов тизими томонидан Мижозга маълумот берилган барча тўловлар бўйича Мижоз билан солиштирув ўтказиш.
- 5.2.5.** БАНК ваколатлари бекор қилинган (тўхтатилган) ёки БАНКнинг рухсат этувчи ҳужжатлари муддати тугаган ҳолларда, БАНК Шартнома бўйича хизматлар кўрсатишни тўхтатиши (тўхтатиб туриши) ва мазкур ҳолат ҳақида Фойдаланувчилар ҳамда Мижозни рухсат этувчи ҳужжатлар муддати тугашидан 10 кун олдин хабардор қилиши шарт.
- 5.2.6.** Мижозга реал вақт режимида электрон шаклда Фойдаланувчининг ҳисобварағидан Мижознинг ҳисобварағига маблағларни ўтказиш тўғрисидаги Фойдаланувчининг электрон топшириғи БАНК томонидан қабул қилинганлиги ҳақида маълумот олишнинг техник имкониятини таъминлаш.
- 5.2.7.** Мижозга тўлов тизимининг ахборот ва технологик ресурсларидан ("Merchant" модули) фойдаланиш имкониятини тақдим этиш ва маълумотларнинг сақланиши, яхлитлиги ва ишончлилигини таъминлаш.
- 5.2.8.** Мижознинг махсус касса дастурий таъминоти орқали Транзакция муваффақиятли амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот олингандан сўнг, БАНК мижознинг ҳисоб рақамига пул маблағларини тўлиқ миқдорда ўтказиш мажбуриятини олади.
- 5.3. Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- 5.3.1. Банкдан амалга оширилган операциялар бўйича кўчирмаларни ёзма равишда сўраш.
- 5.3.2. Ҳисобварақ бўйича кўчирмаларни ёзма равишда сўраш. Календарь ойи учун биринчи кўчирма бепул тақдим этилади. Календарь ойи давомида қўшимча кўчирмалар тақдим этилганлиги учун хизмат кўрсатиш пайтида амалда бўлган Банк тарифларига мувофиқ тўлов ундирилиши мумкин.
- 5.3.3. Банк ходимларига қўшимча йўриқнома ўтказишни ёзма равишда сўраш. Йўриқнома ўтказиш учун тўлов хизмат кўрсатилаётган пайтда амалда бўлган Банк тарифларига мувофиқ белгиланади.
- 5.3.4. Банк карта эгаларидан илгари қабул қилинган тўловларни ваучер асосида қайтариш операциясини амалга оширишни Банкдан сўраш ҳуқуқига эга. Ваучер намунаси б-иловада келтирилган.
- 5.3.5. Тўлов тизими томонидан корхонага маълумот узатилган, корхона фойдасига қабул қилинган барча тўловларни БАНК билан солиштириб текшириш.
- 5.3.6. ушбу Шартнома шартларига мувофиқ тўлов тизимининг тегишли модулига тўсиқларсиз кириш ҳуқуқига эга бўлиш.
- 5.3.7. E-POS тизимидан харидорлардан тўловларни қабул қилиш ҳамда тизим функциялари ва ушбу Шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа операцияларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш.
- 5.3.8. Бошқа Иштирокчилар билан молиявий, ахборот ва техник масалаларда низоли вазиятлар юзага келган тақдирда, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни исталган вақтда тўхтатиб туриш. Мижоз ушбу шартномада иштирокини тўхтатишни мўлжаллаган санадан камида 5 иш куни олдин БАНКка ёзма хабарнома юбориш орқали ўз иштирокини тўхтатиб туриши мумкин.
- 5.3.9. Банк томонидан тақдим этилган реклама белгилари ёки бошқа материалларни Корхонанинг ҳар бир хонасида ва веб-сайтида тегишли тарзда акс эттириш, ҳамда фақатгина Карталарнинг Мижоз томонидан тўлов воситаси сифатида қабул қилинишини кўрсатиш мақсадида Банк томонидан тасдиқланган номлар ёки тасвирлардан фойдаланиш.
- 5.4. **Мижоз қуйидаги ҳуқуқларга эга эмас:**
- 5.4.1. Банк томонидан тақдим этиладиган хизмат кўрсатиш тақиқланган карталар рўйхатига (бундан кейин - "Стоп-рўйхат") киритилган банк карталарини тўлов воситаси сифатида қабул қилиш. Стоп-рўйхатга киритилган карта тўловга қабул қилинган тақдирда, Мижоз ушбу операция билан боғлиқ барча хатарларни ўз зиммасига олади.
- 5.4.2. бир Транзакция бўйича маълумотларни ҳар қандай шаклда қайта тақдим этиш.  
Бир хил Транзакция бўйича пул маблағларини ечиб олишга такрор-такрор уринишларни амалга ошириш, шунингдек ўтказилган операциялар ҳақида нотўғри маълумотлар тақдим этиш.
- 5.4.3. Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш билан бевосита боғлиқ бўлган маълумотлар бундан мустасно, Банкдан Фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни, жумладан, аммо булар билан чекланмаган ҳолда: шахсий маълумотлар, тўловлар тарихи, ҳисоб баланси тўғрисидаги маълумотларни сўраш.
- 5.5. **Мижознинг мажбуриятлари:**
- 5.5.1. Банкка Тўлов Корхонаининг лицензия нусхасини ва/ёки тўлов хизматларини кўрсатувчи лицензияга эга компания билан тузилган шартнома нусхасини тақдим этиш.

- 5.5.2.** мунтазам равишда (бир календарь ҳафтада камида бир марта) Банкнинг [www.ofb.uz](http://www.ofb.uz) расмий веб-сайтида эълон қилинадиган E-POSдан фойдаланиш қоидалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан танишиб бориш. E-POSдан фойдаланиш бўйича саволлар юзага келган тақдирда, Мижоз ўзи учун қулай бўлган Банкнинг исталган ҳудудий бўлинмасига мурожаат қилиши мумкин.
- 5.5.3.** Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан, банк картаси эгаларига хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган E-POS (Merchant ID ва Terminal ID) рўйхатдан ўтказиш рақамларини қабул қилиш. Қабул қилиш-топшириш далолатномаси ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 5.5.4.** Тўловларни қабул қилиш учун тўлов тизимидаги шахсий маълумотлардан фойдаланган ҳолда Merchant ID ва Terminal ID ҳисобини тўлов тизимида мустақил равишда рўйхатдан ўтказиш.
- 5.5.5.** Банк картаси эгаларидан тўловларни қабул қилиш бўйича барча операцияларни амалга оширишда Мижоз фақат E-POS тўлов терминалидан ва Банк томонидан тақдим этилган ёки тасдиқланган бошқа техник ускуналардан фойдаланиши шарт.
- 5.5.6.** Тўлов тизимининг тўхташ рўйхатига киритилмаган ҳақиқий банк карталарини товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўлов сифатида нақд пул маблағлари билан тўлаш шартларига ўхшаш тарзда, қўшимча комиссия ёки йиғимлар ундирилмасдан қабул қилиш.
- 5.5.7.** Жорий операция куни давомида тўлов терминалидан фойдаланиб амалга оширилган барча Транзакцияларга ишлов бериш ҳамда тегишли тўлов ҳужжати (ваучер ёки чек) шакллантирилганидан сўнг кейинги операция кунидан кечиктирмай мижозларнинг банк карталарига пул маблағларини қайтаришни таъминлаш.
- 5.5.8.** Ҳар куни иш куни якунида онлайн операциялар бўйича якуний натижаларни таққослаш амалларини бажариш.
- 5.5.9.** Мижоз ушбу Шартнома шартларига ёки Банк брендига оид ҳар қандай оммавий реклама материалларини Банк билан ёзма равишда келишиб олишни ўз зиммасига олади.
- 5.5.10.** Ҳар куни Транзакциялар мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, стоп-рўйхатини янгилаш учун маълумотларни юбориш, шунингдек тизим конфигурацияси ўзгарган ёки Транзакцияларни қайта ишлаш жараёнида хатолар юзага келган ҳолларда ҳам маълумотларни юбориш.
- 5.5.11.** Банк тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг 5 иш куни ичида банк карталари эгаларидан товарлар ва хизматлар учун хато ҳисобдан чиқарилган маблағлар суммасини Банкка қайтариш, жумладан, лекин булар билан чекланмаган ҳолда, икки марта ҳисобдан чиқариш, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳисобдан чиқариш ва бошқа шу каби ҳолатлар.
- 5.5.12.** Мижознинг юридик манзили, почта манзили, алоқа телефон рақами, электрон почта манзили ва банк реквизитларига оид барча ўзгаришлар ҳақида Банкка зудлик билан ёзма равишда хабар бериш.
- 5.5.13.** шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки у шартномада кўзда тутилган ҳар қандай сабаб бўйича муддатидан олдин бекор қилинганда, 5 (беш) иш куни ичида тўлиқ ўзаро ҳисоб-китобни амалга ошириш.
- 5.5.14.** Транзакция бекор қилинган ва/ёки банк картаси эгасидан тўлов суммаси хато ҳисобдан чиқарилган ҳолларда, Банк картаси эгасига тўлов суммасини қайтаришни таъминлаш мақсадида, барча Транзакциялар

бўйича маълумотларни ва бекор қилинган тўловлар ҳақидаги ахборотни Транзакция амалга оширилганидан сўнг 5 иш кунидан кечиктирмай Банкка тақдим этиш.

- 5.5.15.** Маҳсулотлар/хизматлар, уларнинг хусусиятлари, сотиб олиш ва фойдаланиш шартлари, шунингдек, истеъмомчанинг харид қилиш қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳар қандай муҳим маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини таъминлаш керак.
- 5.5.16.** Тўлов тизимининг тегишли модулига кириш учун шахсий идентификация маълумотларидан фақат ўзининг тўлов тизимидаги иши учун фойдаланиш ва бу маълумотларни бошқа шахсларга бермаслик.
- 5.5.17.** Тўлов тизими иштирокчилари ва/ёки корхонанинг товарлари/хизматлари/ишларини истеъмом қилувчи ёхуд тўлов тизими орқали тўловларни амалга ошириш доирасида корхона билан бошқа тарзда боғлиқ бўлган учинчи шахсларнинг барча мумкин бўлган талаблари, эътирозлари ва даъволаридан БАНКни ҳимоя қилиш, агар бундай талаблар, эътирозлар ва даъволар БАНК ёки тўлов тизимига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра корхонанинг ўз фаолиятидаги узилишлар оқибати бўлса. Корхона бундай масалаларни мустақил равишда ҳал этиш мажбуриятини олади. Бунда, зарурат туғилганда, БАНК ва тўлов тизими корхонанинг сўровига биноан барча ҳужжатлар ва бошқа зарур маълумотларни тақдим этиши шарт.
- 5.5.18.** Ушбу шартномани бажариш доирасида олинган Фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари махфийлигини амалдаги шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ таъминлаш.

## **6. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 6.1.** Агар бир тараф иккинчи тарафга ушбу Шартнома шартларини бузиш натижасида зарар етказса, айбдор тараф етказилган зарарни тўлиқ миқдорда қоплаши шарт.
- 6.2.** Банк қуйидагилар учун жавобгар эмас:
  - 6.2.1.** Шартнома шартларига мувофиқ бўлмаган ёки зид бўлган Транзакциялар бўйича тўловларни таъминлаш бўйича.
  - 6.2.2.** Ягона умумреспублика процессинг маркази (ЯУПМ) ёки Миллий банклараро процессинг маркази (МБПМ) айби билан юзага келган Uzcard ёки HUMO тўлов тизимларидаги техник носозликлар, ортиқча юктамалар ёки бошқа муаммолар туфайли тўловларнинг кечикиши учун.
  - 6.2.3.** Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун, агар бундай бажармаслик банклараро электрон тўловлар тизимидаги техник носозликлар, жумладан тўловларни қайта ишлаш тизимларидаги узилишлар, электр таъминотининг тўхташи ёки узилиши, алоқа линияларининг шикастланиши, шунингдек БАНКнинг назоратидан ташқари бўлган бошқа форс-мажор ҳолатлар оқибатида юзага келган бўлса.
  - 6.2.4.** Мижознинг ўз товарлари/хизматлари/ишларини истеъмомчиларга тақдим этиши ва/ёки сотиши муносабати билан юзага келадиган мажбуриятлари, шунингдек, Мижознинг хизматлари/товарлари/ишларининг сифати учун жавобгарлик.
  - 6.2.5.** Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, агар бундай бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) сабабли юзага келган бўлса.
- 6.3.** Мижоз қуйидагилар учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади:

- 6.3.1.** Мижоз томонидан ушбу Шартнома шартларининг бузилиши натижасида Банкка етказилган тўғридан-тўғри ҳақиқий зарарни, шу жумладан, аммо булар билан чекланмаган ҳолда, бой берилган фойда, жарималар, пеня ва шундай бузилишлар муносабати билан Банкка нисбатан қўлланилган бошқа санкцияларни қоплаш учун.
- 6.3.2.** Ушбу шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган тўлов муддати бузилгани учун, Мижоз Банкка 4.1-бандида белгиланган тўлов муддати тугаган куннинг эртасидан бошлаб, ҳар бир кечиктирилган календарь куни учун ўз вақтида тўланмаган қарз суммасининг 0,1% (ўндан бир фоизи) миқдорида пеня тўлайди. Ҳар бир ҳисобот даври (календарь оyi) учун тўланиши лозим бўлган пенянинг максимал миқдори, шу давр учун тўланиши керак бўлган мукофот суммасининг 10% (ўн фоизи)дан ошмаслиги керак. Тўлов мажбурияти қисман бажарилган ҳолда, пеня фақат тўланмаган суммага ҳисобланади. Корхона томонидан тўлов муддатлари бир неча марта бузилган тақдирда, Банк ушбу шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.
- 6.3.3.** Мижозга тақдим этилган шахсий идентификация маълумотларини учинчи шахслар томонидан ноқонуний ёки рухсатсиз ишлатиш, йўқотиш, бузиш ёки сохталаштириш натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарлар учун.
- 6.4.** Мижоз тўлов тизими, АБТ ва/ёки БАНК инфратузилмасидаги узилишлар ва носозликлар сабабли тўловларни амалга ошириш жараёнида Фойдаланувчиларга етказилган зарар ва ноқулайликлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.
- 6.5.** БАНК Фойдаланувчидан Мижознинг товар/хизмат/ишларига тўловни қабул қилган ҳолда, БАНК айби билан тегишли Транзакция амалга оширилмаса ёки нотўғри/кечиктириб амалга оширилса, БАНК Мижоз олдида жавобгар бўлади. Тегишли Транзакцияни ўтказиш муддати бузилгани учун Банк Мижозга ҳар бир кечиктирилган кун учун Транзакция суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, бироқ 10 фоиздан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.
- 6.6.** Жарима санкциялари ва пеняларнинг тўланиши Томонларни ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тегишли равишда бажаришдан озод этмайди.
- 6.7.** Ушбу шартномани бажаришда томонларнинг ҳар бири Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига риоя этиши шарт бўлиб, бунинг учун мустақил равишда жавобгар ҳисобланади.
- 6.8.** Ушбу Шартнома шартларида кўзда тутилмаган ҳолларда, томонларнинг ўз шартномавий мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.
- 6.9.** Фойдаланувчи картасидан маблағлар муваффақиятли ечиб олинганидан сўнг, Мижознинг касса дастурий таъминоти томонидан Транзакция муваффақиятли амалга оширилганлиги тасдиқланмаган ҳолда, пул маблағлари Фойдаланувчи картасига тўлиқ қайтарилади. Транзакция бекор қилинганда маблағларни қайтариш мажбурияти БАНК зиммасига юклатилади. Агар тўловни бекор қилиш тўлов тизими интерфейслари орқали Мижознинг ўзи томонидан амалга оширилган бўлса, бундай бекор қилишнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгарлик Мижознинг ўзида бўлади.

## **7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАР**

- 7.1.** Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари бирон-бир ғайриқонуний устунлик ёки бошқа ғайриқонуний мақсадларни қўлга киритиш учун, бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир ўтказиш мақсадида, тўғридан-тўғри ёки билвосита, ҳеч қандай пул маблағлари ёки қимматликларни тўламайдилар, тўлашни таклиф этмайдилар, тўлашга рухсат бермайдилар.
- 7.2.** Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари мазкур Шартнома мақсадлари учун қўлланиладиган қонунчиликка кўра пора бериш/олиш, тижорат порахўрлиги сифатида таснифланадиган ҳаракатларни, шунингдек, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қўлланиладиган қонунчилик ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 майдаги 2886-сон билан рўйхатга олинган). АВ рўйхат рақами 2886-сон 23.05.2017 й.).
- 7.3.** Ушбу Шартноманинг ҳар бир Томони бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай йўл билан рағбатлантиришдан воз кечади, жумладан, пул маблағлари ёки совғалар бериш, улар учун бепул ишлар (хизматлар) бажариш ва бошқа усуллар орқали. Бундай рағбатлантириш ходимни муайян даражада қарам қилиб қўйиши ва ушбу ходимнинг рағбатлантирувчи Томон фойдасига бирон-бир ҳаракатларни бажаришини таъминлашга қаратилган бўлиши мумкин.
- 7.4.** Агар бирор Томон коррупцияга қарши шартларнинг бузилгани ёки бузилиши мумкинлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлса, ушбу Томон бошқа Томонни ёзма равишда ёки ишонч телефони орқали оғзаки тарзда хабардор этиши шарт.
- 7.5.** Томонлар ўзларининг эҳтимолий ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши шартларини бузиши шартноманинг бекор қилинишига олиб келиши мумкинлигини эътироф этадилар.
- 7.6.** Томонлар ушбу шартноманинг коррупцияга қарши шартларини бажариш масалалари юзасидан тўлиқ махфийликни кафолатлайдилар.

## **8. МАХФИЙЛИК**

- 8.1.** Мижоз, Банк сингари, Шартнома бўйича маълумотларнинг махфийлигини (шу жумладан савдо маълумотлари параметрларининг махфийлигини) таъминлаш учун масъулиятни ўз зиммасига олади.
- 8.2.** Банк ва Мижоз ўртасида Шартнома предметида оид тақдим этиладиган маълумотлар махфий ҳисобланади. Томонлар учинчи шахслар томонидан олинган ахборотнинг ошкор этилишини олдини олиш мақсадида барча зарур ва етарли чораларни кўрадилар.

## **9. ФОРС-МАЖОР**

- 9.1.** Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилади, агар бундай бажармаслик ёки қисман бажармаслик Шартнома тузилгандан сўнг юзага келган, томон мавжуд чоралар билан олдини ололмайдиган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг оқибати бўлса.

- 9.2.** Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари қонунда белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганида форс-мажор ҳолати деб ҳисобланади.
- 9.3.** Фавқулодда вазиятлар юз берганда, шунингдек, ушбу Шартнома томонларининг манфаатларига бевосита таъсир кўрсатадиган барча ҳолатлар ҳақида форс-мажор вазиятига дучор бўлган томон бошқа томонга 5 кундан кечиктирмай хабар бериш мажбуриятини олади.

## **10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

- 10.1.** Шартнома билан боғлиқ низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этиб бўлмаган тақдирда, ушбу Шартномадан ёки у билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча низолар, келишмовчиликлар ёки талаблар, шу жумладан уни тузиш, ўзгартириш, бажариш, бузиш, бекор қилиш, тугатиш ва ҳақиқийлиги билан боғлиқ масалалар ҳал этилиши лозим. Бу масалалар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва ҳал қилинади:
- 10.1.1.** ушбу шартнома бўйича банк хизматларини кўрсатувчи Банкнинг худудий бўлинмаси жойлашган жойдаги тегишли судда (Амалиёт бошқармаси/БХМ/БХО).
- 10.1.2.** ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг регламентига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик суди Раиси томонидан тайинладиган бир нафар ҳакамдан иборат ҳакамлик суди таркибида кўриб чиқилади. Ҳакамлик судининг қарори Томонлар учун қатъий ва узил-кесил ҳисобланади.
- 10.2.** Юқорида кўрсатилган судлардан бирига даъво билан мурожаат қилишни танлаш ҳуқуқи Даъвогар ихтиёрида қолади.
- 10.3.** Низолар юзага келган тақдирда, банк ёзувлари ва кўчирмалар тарафларнинг Шартнома бўйича мажбуриятларининг устун (*prima facie*) далили ҳисобланади.

## **11. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

- 11.1.** Томонлар Шартнома шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга.
- 11.2.** Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала томон имзолаганидан кейин кучга киради.
- 11.3.** Шартномага барча иловалар, қўшимчалар ва йўриқномалар Шартноманинг ажралмас қисмлари ҳисобланади ҳамда бажарилиши мажбурий саналади.

## **12. ШАРТНОМА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ**

- 12.1.** Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 3 календарь йил муддатга тузилади.
- 12.2.** Шартнома қуйида келтириб ўтилган ҳолатларда бекор қилиниши мумкин бўлади:
- 12.2.1.** томонларнинг ўзаро ёзма келишувига кўра.
- 12.2.2.** Агар томонлардан бири ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган ҳолда.
- 12.2.3.** Тарафлардан бирининг ташаббуси билан, шартномани бекор қилишдан камида 5 кун олдин ёзма хабарнома тақдим этилган тақдирда

- 12.3.** Агар томонлардан ҳеч бири ушбу шартномани бекор қилиш истагини билдирмаган бўлса, шартнома кейинги бир тақвим йилига ўз-ўзидан узайтирилган ҳисобланади.

### **13. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

- 13.1.** Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга, томонларнинг ҳар бири учун биттадан берилади ва имзоланган пайдан бошлаб кучга киради.
- 13.2.** Шартномага мувофиқ ёки у билан боғлиқ ҳолда юбориладиган барча билдиришнома ва хабарлар ёзма шаклда бўлиши лозим. Агар улар шартнома иштирокчиларининг қуйида кўрсатилган юридик манзилларига буюртма хат орқали юборилган ёки шахсан етказиб берилган бўлса, ҳамда қабул қилинганлиги тўғрисида тасдиқнома мавжуд бўлса, тегишли тарзда топширилган ҳисобланади.
- 13.3.** Ушбу Шартномада тартибга солинмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ҳамда Банкнинг қоидаларига мувофиқ ҳал этилади.
- 13.4.** Шартноманинг қуйида келтирилган иловалари намунавий шакллар ҳисобланиб, ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатлар юз берганда расмийлаштирилади.
- 13.4.1.** 1-сонли илова – E-POS – виртуал терминалини очиш бўйича ариза
- 13.4.2.** 2-сонли илова – Корхона анкетаси
- 13.4.3.** 3-сонли илова – Корхона анкетаси
- 13.4.4.** 4-сонли илова – Корхона ҳақида маълумотнома
- 13.4.5.** 5-сонли илова – E-POS бўйича рўйхатдан ўтиш маълумотларини қабул қилиш ва топшириш далолатномаси
- 13.4.6.** 6-сонли илова – Тўловни қайтариш чеки (ваучер)
- 13.5.** Мижознинг илтимосига кўра Шартноманинг матни ўзбек тилида кирилл алифбосида тузилди.

### **14. ТОМОНЛАРИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ**

#### **БАНК**

#### **МИЖОЗ**

“Ориент Финанс” ХАТБ

Амалиёт

бошқармаси/ БХМ/ БХО

СТИР:

Манзил:

Банк реквизитлари:

х/р:

МФО:

ИФУТ:

Бошлиқ /Бошқарувчи

Ф.И.Ш.

СТИР:

Манзил:

Банк реквизитлари:

х/р:

МФО:

ИФУТ:

Директор

Ф.И.Ш.

М.Ў. Имзо

М.Ў. Имзо

*Е-POS- терминалдан фойдаланиш  
тўғрисидаги шартномасига  
1-сонли илова.*

**“Ориент Финанс” ХАТБ****Амалиёт бошқармаси / БХМ / БХО га**

\_\_\_\_\_ дан  
(Корхона номи)

**Е-POS – виртуал терминалини очиш бўйича  
АРИЗА**

\_\_\_\_\_ учун Е-POS виртуал терминалини очишингизни сўрайман.  
(виртуал терминалнинг вазифаларини белгилаш)

Корхона номи: \_\_\_\_\_  
(Корхона номи)

Корхона манзили: \_\_\_\_\_

(жойлашган жойи, тадбиркорлик субъектлари эса фаолиятни амалга ошириш жойини ҳам кўрсатадилар)

Тўлов тизими: \_\_\_\_\_  
(Тўлов тизимининг юридик ва бошқа номларини, шунингдек лицензиялар нусхасини ва/ёки шартнома нусхасини  
кўрсатиш)

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

\_\_\_\_\_ Раҳбар Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_ М.Ў. (имзо)

\_\_\_\_\_ Бош бухгалтер Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_ (имзо)

**БАНК БЕЛГИСИ**

Виртуал терминални очиш учун ҳужжатларни текшириб чиқдим:

**Бўлим Бошлиғи**

\_\_\_\_\_ (имзо)

**Руководитель**

\_\_\_\_\_ (имзо)

Терминал рўйхатдан ўтказилган сана: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**Бошқа қайдлар:** \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

*E-POS- терминалдан фойдаланиш  
тўғрисидаги шартномасига  
2-сонли илова.*

**КОРХОНА АНКЕТАСИ****Корхона номи:****Банк реквизитлари:****Асосий ҳисобварақа:**

Банк номи: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_, Банк коди: \_\_\_\_\_

ҳ/р: **2** \_\_\_\_\_**Йиғилган терминал даромадларини ўтказиш учун ҳисобварақа:**

Банк номи: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_, Банк коди: \_\_\_\_\_

ҳ/р: **2** \_\_\_\_\_**Йиғилган терминал даромадларини ўтказиш учун иккиламчи  
ҳисобварақа:**

Банк номи: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_, Банк коди: \_\_\_\_\_

ҳ/р: **2** \_\_\_\_\_**Йиғилган терминал даромадларини ўтказиш учун транзит ҳисобварақа:**

Банк номи: «Ориент Финанс» ХАТБ, \_\_\_\_\_

МФО: 01071, Банк коди: \_\_\_\_\_

ҳ/р: **235** \_\_\_\_\_**Корхона алоқа маълумотлари:**

Телефон: +998 (\_\_\_\_) \_\_\_\_ - \_\_\_\_ - \_\_\_\_

Боғланиш учун шахс: \_\_\_\_\_

Факс: +998 (\_\_\_\_) \_\_\_\_ - \_\_\_\_ - \_\_\_\_

Электрон почта: \_\_\_\_\_

веб-сайт: \_\_\_\_\_

**Терминал ўрнатиш жойи ҳақида маълумотлар:**

Манзил: \_\_\_\_\_

Ориентир: \_\_\_\_\_

Телефон: +998 (\_\_\_\_) \_\_\_\_ - \_\_\_\_ - \_\_\_\_

Маъсул шахс: \_\_\_\_\_

**Корхона  
Раҳбари**\_\_\_\_\_  
*М.Ў. (Имзо)*Юқорида қайд этиб ўтилган  
маълумотлар ҳақиқийлигини  
тасдиқлайман

*E-POS- терминалдан фойдаланиш  
тўғрисидаги шартномасига  
3-сонли илова.*

### КОРХОНА АНКЕТАСИ

Корхона номи: \_\_\_\_\_  
 Юридик манзили: \_\_\_\_\_  
 Ориентир: \_\_\_\_\_  
 Раҳбар Ф.И.Ш.: \_\_\_\_\_  
 Раҳбарининг алоқа рақами: \_\_\_\_\_  
 Бухгалтер Ф.И.Ш.: \_\_\_\_\_  
 Бухгалтер алоқа рақами: \_\_\_\_\_  
 Банк карталари орқали олинган  
 тушум ўтказиладиган банк ҳисоб  
 рақамининг реквизитлари: \_\_\_\_\_  
 Фаолияти соҳаси: \_\_\_\_\_

Агар Корхона бир нечта савдо шохобчаларига ёки товарлар/хизматлар етказиб берувчиларга эга бўлса ва хизмат кўрсатиш жойлари шаҳар/туманнинг турли қисмларида жойлашган бўлса, илтимос, савдо Корхоналари (ёки савдо нуқталари) ҳақидаги алоқа маълумотларини кўрсатинг:

Корхона номи (савдо шохобчалари)	Алоқа рақами
_____	Манзил: Ориентир: Алоқа рақами: Алоқа учун шахс Ф.И.Ш.:
_____	Манзил: Ориентир: Алоқа рақами: Алоқа учун шахс Ф.И.Ш.:
_____	Манзил: Ориентир: Алоқа рақами: Алоқа учун шахс Ф.И.Ш.:

Юқорида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман ва юқорида санаб ўтилган ходимларни банк картаси эгаларига хизмат кўрсатиш учун масъул шахслар сифатида тайинлайман  
 Корхона Раҳбари



\_\_\_\_\_  
 М.Ў. (Имзо)

Корхона ходимларига тушинтириш ишлари олиб борилди

«Orient Finans» ХАТБдан

\_\_\_\_\_  
 Ф.И.Ш. (Имзо)

*E-POS- терминалдан фойдаланиш  
тўғрисидаги шартномасига  
4-сонли илова.*

## КОРХОНА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТНОМА

Корхона номи: \_\_\_\_\_  
Юридик манзили: \_\_\_\_\_  
Ориентир: \_\_\_\_\_  
Раҳбарнинг Ф.И.Ш.: \_\_\_\_\_  
Раҳбарнинг телефон рақами: \_\_\_\_\_  
Бухгалтернинг Ф.И.Ш.: \_\_\_\_\_  
Бухгалтернинг телефон рақами: \_\_\_\_\_  
Банк карталари орқали тушган пул  
маблағлари ўтказиладиган, Банк  
ҳисоб рақами реквизитлари: \_\_\_\_\_  
Фаолият тури: \_\_\_\_\_

(Савдо тури, хизмат кўрсатиш тури, сайт эгаси, товар ёки хизмат етказиб берувчи сифатида Корхона иштирокини аниқ кўрсатиш)

Сайт номи (<http/https> манзили): \_\_\_\_\_

Веб-сайт орқали кўрсатиладиган товарлар ва хизматлар рўйхати: \_\_\_\_\_

Сайт мазмуни (Реклама, ёпиқ akkaунтлар, бошқа ресурсларга ҳаволалар мавжудлиги тўғрисидаги маълумот): \_\_\_\_\_

Таъминотчилар: \_\_\_\_\_

(Товар ёки хизмат етказиб берувчилар рўйхати)

Агар Корхона бир нечта савдо нуқтасига ёки товар/хизмат етказиб берувчига эга бўлса (Ҳар бир нуқта ёки таъминотчи учун алоҳида қилиб, фаолият тури, савдо турини кўрсатиш): \_\_\_\_\_

Юқорида кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайман.  
Корхона Раҳбари

\_\_\_\_\_  
М.Ў. (Имзо)

\_\_\_\_\_  
Ф.И.Ш.

*E-POS- терминалдан фойдаланиш  
тўғрисидаги шартномасига  
5-сонли илова.*

**E-POS бўйича рўйхатдан ўтиш маълумотларини қабул қилиш ва топшириш  
далолатномаси**

Ташкент ш. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

«Orient Finans» ХАТБ \_\_\_\_\_ вакиллари қуйидаги таркибда:

Бошқарувчи/Бошлиқ: \_\_\_\_\_.

Чакана амалиётлар операциялари бўлими Бошлиғи: \_\_\_\_\_.

ва Корхона вакили:

Корхона Раҳбари: \_\_\_\_\_

Далолатномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

«Orient Finans» ХАТБ вакиллари томонидан жадвалда келтириб ўтилган E-POS маълумотлари **ТОПШИРИЛДИ** ва Корхона вакили томонидан **ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАНЛИГИ** тўғрисида:

№	Номланиши	Рақами
1.	Мерчант ID (E-POS тўлов терминали)	
2.	Терминал ID (E-POS тўлов терминали)	

Тарафлар ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларни ўз ичига олган далолатномани имзолаганликлари учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлар.

**Далолатнома иккита бир хил нусхада тузилди.**

**Банк номидан:**  
Ф.И.Ш.

**Корхона номидан:**  
Ф.И.Ш.



\_\_\_\_\_  
М.Ў. Имзо

\_\_\_\_\_  
М.Ў. Имзо

*Е-POS- терминалдан фойдаланиш  
тўғрисидаги шартномасига  
6-сонли илова.*

(Намуна)

\_\_\_\_\_ ш.

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

### ТЎЛОВНИ ҚАЙТАРИШ ЧЕКИ (ВАУЧЕР)

(Корхона ва унинг савдо нуқтасининг номи, ҳокимлик ва солиқ инспекциясидаги рўйхатдан ўтиш рақами)

1.	Карта орқали тўланган товар/ хизматнинг номи	
2.	Карта эгаси Ф.И.Ш.	
3.	Транзакция суммаси (рақамлар билан)	
4.	Транзакция суммаси (ҳарфлар билан)	
5.	Товар/хизматни қайтариш сабаби	
6.	Карта эгасининг банкининг номери ва коди	
7.	Корхона ва унинг савдо нуқтасининг реквизитлари:  <u>Манзил:</u> почта индекси, вилоят, туман/шаҳар, кўча, уй, хона  <u>Банк ҳисоб рақами, коди, банкнинг номи</u> ва манзили ва ҳ.к.	

**Товар/хизматни қайтарди:** \_\_\_\_\_

**Карта эгасининг маълумотлари:**

\_\_\_\_\_

Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_

Имзо

Шахсни тасдиқловчи

ҳужжатнинг маълумотлари: \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**Товар/хизматни қабул қилди:** \_\_\_\_\_

**Корхона Раҳбари:**

\_\_\_\_\_

Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_

М.Ў.

\_\_\_\_\_

Имзо